

THE CURRENT STATE OF THE LAND FUND AND ITS USE IN KHOREZM PROVINCE**Xikmatullayev Sanjar Izzatullayevich**

National Research University

“Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers”

Zarifov Jamshid Davronbek o‘g‘li

National Research University

“Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers”

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17711926>

Аннотация. Мақолада Хоразм вилоятида ерларни туманлар орасида тақсимланиши, қишлоқ хўжалик ердан фойдаланувчиларни ҳозирги ҳолати, уларни ташкил этишидаги мураккабликлар очиб берилган. Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланувчиларнинг ташкил этишида ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ер тузиш лойиҳалари орқали амалга ошириш йўналишлари кўрсатилган.

Таянч сўзлар: ердан фойдаланиш, ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, экологик талаблар, ер тузиш лойиҳалари.

Кириш.

Аграр соҳада юз бераётган кенг кўламли ўзгаришлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда замонавий аграр муносабатларни шакллантириш каби вазифаларни долзарб масалалар сифатида кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда алоҳида ўрин тутган аграр соҳани янада ислоҳ қилиш, ривожлантириш, жумладан қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот ер фондининг ҳолатини кузатиш, миқдор ва сифат даражаси бўйича тоифаларнинг тақсимланиши ва ўзгаришларини аниқлаш, ер ресурсларидан оқилона, асраб-авайлаб самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш, иқтисодий ҳамда сиёсий-ижтимоий устувор йўналишларни ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси нормалари асосида ер қонунчилиги ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, янги техника ва технологияларни жорий қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш (тиклаш) ва ошириш, ерга оид мунозарали ҳолатларнинг ечимини топиш, амалий тажриба асосида ер муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Таҳлил ва методлар.

Хоразм вилояти Республикаимизнинг ғарбий қисмда жойлашган. Ҳудуди (6,05 минг кв. км.) шимолдан ва ғарбдан Қорақалпоғистон Республикаси, жанубдан Туркменистон, шарқдан Бухоро вилояти билан чегарадош ҳисобланади.

Хоразм вилояти Ўзбекистон Республикасининг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, иқлими кескин континентал ва қуруқ зонага мансуб.

Ҳудудда ёз фасли узоқ, жуда иссиқ ва қуруқ, қиш фасли эса қисқа, суғуқ ва кўпинча шамолли бўлади. Ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати 13,2–14,5°C ни ташкил этади.

Июнь ва июль ойларида ҳаво ҳарорати 43–45°C гача кўтарилади. Қишда эса ҳарорат -5°C гача тушиши мумкин, баъзан -10°C гача совуқ кузатилади.

Қор катлами кам учрайди ва узоқ сақланмайди. Вилоятда шамолли кунлар сони анча кўп, айниқса баҳор ва қиш фаслларида шамоллар кучли ва доимий характерга эга.

Баъзи йилларда гармсел шамоллар (ҳарорат ва қурғоқчиликни кучайтирувчи шамоллар) кузатилади.

Метеорологик станциялар маълумотларига кўра, вилоятда ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 90–130 мм ни ташкил этади. Ушбу ёғингарчиликнинг 70–80% қисми куз ва қиш ойларида ёғади. Ёзда деярли ёғингарчилик кузатилмайди.

Самарали ҳарорат йиғиндиси Хоразм вилоятида 3000–3400°C атрофида бўлиб, бу кўрсаткич вилоятда турли техник ва дон экинларини етиштириш учун қулай агроклиматик шароит яратади.

Хусусан, ғўзанинг ўрта ва илк пишар навлари, буғдой, арпа, жаҳар ва полиз экинлари учун мавсумий ҳарорат миқдори етарли ҳисобланади.

Вилоят ҳудудида Амударё дариёси орқали сув билан таъминланади. Лекин охириги йилларда сув танқислиги ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар агротехник тадбирларни самарали ташкил этишни талаб этмоқда.

Хоразм вилояти ҳудудида, асосан, суғориладиган ўтлоки, бўз-ўтлоки, ўтлоки- бўз тупроқлар кенг тарқалган.

Вилоят суғориладиган тупроқлари механик таркиби бўйича қуйидагича: лойли – 1,9 фоиз, оғир қумоқли – 11,7 фоиз, ўрта қумоқли – 49,6 фоиз, енгил қумоқли – 30,0 фоиз, кумлоқли – 6,2 фоиз ва кумли тупроқлар – 0,6 фоизни ташкил этади.

Вилоят бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 12,4 фоизи шўрланмаган (ювилган), 41,2 фоизи кучсиз шўрланган, 39,2 фоизи ўртача шўрланган, 5,3 фоизи кучли шўрланган ва 1,9 фоизи жуда кучли шўрланган тупроқлар ҳисобланади[1].

Вилоят қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачилик ва ғаллачиликдан иборат бўлиб, пахта экини майдони вилоятдаги суғориладиган ер майдонининг асосий қисмини ташкил этади.

Шунингдек, полизчилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик ҳам вилоятда яхши ривожланган.

Хоразм вилоятида 7,1 минг гектардан ортиқ майдонда кўп йиллик дарахтзорлар мавжуд бўлиб, шундан 4,8 минг гектарини мевали боғлар (олма, беҳи, шафтоли, ўрик, гилос, анор), 0,6 минг гектарини тоқзорлар, 1,7 минг гектарини эса тутзорлар ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 285,5 минг гектарни ташкил этиб, шу жумладан экин ерлари 249,1 минг гектар, пичанзор ва яйловлар 21,9 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 7,1 минг гектарни ташкил қилади.

2023 йил ҳолатига кўра, Хоразм вилоятининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 608,2 минг гектарни ташкил қилиб, шундан жами суғориладиган ерлар 286,5 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг тахминан 67 фоизини ташкил қилади[2].

**Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларининг жами
фойдаланиладиган ерлар таҳлили (гектарда)**

Туман ва шаҳар номи	Умумий майдон		Экин ерлар		Кўп йиллик дарахт-зорлар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар	Жами қишлоқ хўжалик ерлари		Томорқа ерлари ва богдорчилик ва сабзавотчилик уюшма ерлари		Ўрмон-зорлар		Бугазорлар	Бошқа ерлар
	жамми	шундан суғориладигани	жамми	шундан суғориладигани	жамми	шундан суғориладигани	жамми	шундан суғориладигани		жамми	шундан суғориладигани	жамми	шундан суғориладигани	жамми	шундан суғориладигани		
Богот	40384	23459	16045	16045	1666	1666	392	392		18103	18103	6260	5351	4668	5		11353
Гурлан	38406	29835	25152	25152	918	918	96	96		26166	26166	4212	3666	91	3		7931
Кўшкўшир	51368	31025	24142	24142	1051	1051	738	738		25931	25931	5803	5072	4000	22		15634
Урганч	38351	27968	22399	22399	1237	1237	241	241		23877	23877	4867	4082	73	9	6	9528
Хазорасп	62924	33313	26046	26046	1452	1452	1040	1040	7830	36368	36368	5603	4749	2770	26		17905
Хонка	36053	27109	21728	21728	1589	1589	83	83		23400	23400	4397	3679	30	30		8170
Хива	34015	18235	12931	12931	971	971	508	508		14410	14410	4519	3823	5033	2		10053
Шовот	42950	28780	22452	22452	1561	1561	405	405	1113	25531	25531	5130	4290	75	72		11539
Янгиарик	30866	17778	13373	13373	903	903	34	34		14310	14310	4032	3462	2603	6		9888
Янгибозор	31291	23472	19212	19212	1260	1260	255	255		20727	20727	3183	2723	103	22		7278
Хива ш.	2251	1285	582	582	98	98	3	3		683	683	787	602				781
Жами:	408859	262259	204062	204062	12706	12706	3795	3795	8943	229506	229506	48793	41499	19446	197	6	110060

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки вилоят ер фондининг тоифалари бўйича 2023 йилдаги тақсимоти қуйидагича: қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар – 438,1 минг гектар (умумий ер майдонининг 72,0%), аҳоли пунктларининг ерлари – 8,1 минг гектар (1,33%), саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – 10,5 минг гектар (1,73%), ўрмон фонди ерлари – 8,0 минг гектар (1,31%), сув фонди ерлари – 28,6 минг гектар (4,7%), захира ерлар – 0,1 минг гектар (0,02%)ни ташкил қилади[3].

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қисман камайиши айрим саноат ва инфратузилма мақсадларида фойдаланиш учун ажратилаётган ерлар ҳисобига юз бермоқда.

Вилоятда кучли шўрланган ерлар 32,8 минг гектарни ташкил қилади. Интенсив оқизиш суғориш жараёнида ерларнинг емирилиши ва унумдорлигининг пасайиши кучайиб бормоқда. Бу эса пировард натижасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Бунга маълум даражада шўр ювишда фойдаланилган сувларнинг ирригация тармоқларига қайта қўшилиши ҳам сабаб бўлмоқда[4].

Минтакада экологик ҳолатнинг ёмонлашуви, ёзда юқори ҳароатли кунларнинг кўплиги ва йиллик ёғингарчилик микдорининг камайиши натижасида кўп ҳажмда сув йўқотилиб, унинг бугланиш даражаси ошмоқда. Чорва моллари, парандаларнинг касалланиш, қишлоқ хўжалик зараркундалари, хусусан, чигирткаларнинг кўпайиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Орол денгизи ўрнидан чанг тўзонли бўронларнинг тез тез кўтарилиши ва кучайиши Хоразм вилояти суғориладиган ерлари ва яйловларида ҳам кўп миқдорда тузлар тўпланишига сабаб бўлмоқда. Бу мазкур ҳудудда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ва чорвачиликни ривожлантириш имкониятларини чекламоқда, истеъмол қилиш учун яроқли ер ости сувларининг камайиб боришига олиб келмоқда[5].

Табиий шароитга кўра Хоразм вилояти сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси бўйича ҳам мамлакатимизда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Вилоятда 2000 - 2013 йилларда бир гектар суғориладиган ер майдонига тўғри келадиган сув сарфи ўртача республика кўрсаткичидан 1,4 маротаба юқори бўлган. Бу асосан шўр ювиш ишларида сув сарфи (умумий сув сарфининг 25%) ортиб бораётганлиги ҳамда сув ресурсларини ортиқча сарфлаш билан боғлиқдир. Вилоят Амударёнинг қуйи қисмида жойлашганлиги сабабли сув таъминоти кўп жиҳатдан ёғингарчилик даражасига боғлиқ бўлиб, унинг ўзгариш коэффициенти ўртача 40 фоиздан ортади[6].

Натижалар ва намуналар. Шунинг учун юқоридаги экологик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар қуйидаги экологик талабларни ҳисобга олишлари зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Худуднинг барча экологик омиллари ва экологик кўрсаткичлари тўғрисида тўла маълумотларга эга бўлишлари;

2. Қишлоқ хўжалигида режалаштирилаётган экин турлари, боғдорчиликда навлар ҳамда чорвачиликка ихтисостирилган фермер хўжаликларида чорва моллари насларига ижобий таъсир этадиган биотик омилларни аниқлаш зарур;

3. Қишлоқ хўжалигида режалаштирилаётган тармоқлар ривожланишини чекловчи экологик омилларни аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш йўллари аниқлаш;

4. Қишлоқ хўжаликларида режалаштирилаётган экинларининг ҳар бир тури, нави ва дарахтларга нисбатан худуднинг агроэкологик салоҳиятини баҳолаш;

5. У ёки бу экологик омилнинг бошқа омиллар томонидан қисман қопланиш (асосан антропоген) имкониятларини аниқлаш ва айрим омилларнинг ортиқчалигидан келиб чиқадиган салбий таъсирларни тугатиш ёки камайишини қоплашга қаратилган тадбирларни ишлаш[7].

Бу эса минтақанинг экологик ҳолатини яхшилашга ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Худудда экологик мувозанатни яхшилашни таъминлаш кўп жиҳатдан мавжуд табиий ресурслардан айниқса ер-сув ресурсларидан фойдаланишда турли тоифадаги ердан фойдаланувчилар ўртасида ўзаро келишилган чора тадбирлар комплексини амалга оширишни талаб этади. Бунда ердан фойдаланувчилар тизимли тарзда ерлардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи юқоридаги омилларни бартараф этишлари, бошқа стратегик йўналишлар билан бир қаторда янада ҳам устивор соҳа эканлигини, аҳолининг саломатлик даражасига, турмуш шароитига ижобий таъсир этишини инобатга олиб доимий эътиборларини қаратишлари лозим деб ўйлаймиз[8].

Хулоса.

Вилоятда сув танқислиги 2001, 2008 ва 2011 йилларда кузатилиб, лимитга нисбатан амалда ишлатилган сув миқдори мос равишда 2,0, 1,6 ва 1,5 мартага қисқарган.

Сув танқис бўлган йилларда каналлар сувига дренаж тизими сувини маълум улушларда қўшиб ишлатиш тавсия этилган бўлсада, айрим худудларда уни тўғридан тўғри исътемолга йўналтириш ҳолатлари кузатилган. Бу ерларнинг унумдорлиги ва шўрланиш даражасига салбий таъсир кўрсатиб, ерлар балл бонитетининг пасайиб кетиши ҳамда айрим мевали дарахтларнинг қуришига олиб келмоқда. Вилоятда фойдаланилаётган сув ресурсларининг 97 фоизи қишлоқ хўжалиги, 2 фоизи коммунал хўжалик ва 1 фоизи бошқа мақсадларга сарф қилинмоқда. Сизот сувлари сатҳи энг юқори бўлган (1,0-1,5 метргача) экин майдонлари вилояти 123 минг гектардан ортиқни ташкил этади.

Бу умумий экин майдонларининг 46,4 фоизига тенгдир[9]. Амалга оширилаётган мелиорация тадбирлари натижасида бундай ер майдонларининг улуши 2007 йилга нисбатан 10 фоизга яқин қисқарган бўлсада республикада энг юқори кўрсаткичлигича қолмоқда.

Вилоят сизот сувлари сатҳи энг юқори бўлган майдонлар улуши 2015 йилда 2022 йилга нисбатан барча туманларда ошган. Айниқса Гурлан, Хонка, Боғот, Хазорасп ва Янгибозор туманларида бундай ер майдонларининг улуши вилоят ўртача кўрсаткичидан ҳам юқоридир[10]. Айрим туманларда сизот сувлари сатҳи энг юқори бўлган ер майдонларининг улуши 30 фоиздан ортиққа ўсганлиги бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслигидан далолат беради. 5-sho'ba.

References

1. Ўзбекистон O'zbekiston Respublikasi "Yer kodeksi". T.: Adolat, 2022
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17 iyundagi "Qishloq xo'jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora tadbirlari to'g'risida"gi PF-5742 sonli farmoni. shshsh.lex.uz
3. O'zbekiston Respublikasining Yer fondi (2015-2022 yillar holatiga)
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60 son "2022-2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.. T., O'zbekiston, 2022. «Gazeta.uz».
5. Avezbaev S., Volkov S.N. S.Sharipov «Er tuzishni loyihalash» T.: TIQXMMI MTU , 2022.-180b.
6. O'zbekiston Respublikasi Yer resurslarining holati to'g'risida milliy hisobot. T.: 2022. 736.
7. Xorazm viloyatini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish strategiyasi. T.IFMR nashriyoti. 2015-1996.
8. Avezbaev S. Rasional'noe ispol'zovanie zemel' v nizov'yax Amudar'i. T., Mexnat, 1990
9. Sharipov S.R. "Yer cheklangan resurs, u muhofazaga muhtoj" "O'zbekiston zamini" ilmiy-amaliy va innovasion jurnali. 2019.№1-son.36-38b.
10. S.Avezbaev, S.R.Sharipov Xorazm viloyatidagi mavjud ekologik holat va uning yerdan foydalanishga ta'siri. "Yer resurslarini barqaror boshqarishda innovasion texnologiyalarni qo'llash" –Respublika ilmiy-amaliy seminar maqolalar to'plami.-2018-66-68b.